



Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётини тушунча ва қадриятларига асосланган.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

МУНОСАБАТ

МАЪНАВИЯТ — ЯНГИ УЙҒОНИШ САРИ ЙЎЛ



**Аҳмаджон МЕЛИБОВ,
“Жаҳон адабиёти” журнали
бош муҳаррири**

Давлатимиз раҳбари томонидан маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бугунги таҳликали даврда ёшларнинг маънавий тарбиясига эътибор ва масъулият масалалари бўйича зиёлилар олдига аниқ вазифалар қўйилди.

Халқимиз асрлар давомида дунё тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшган комил фарзандлари, уларнинг илмий-маънавий мероси билан ҳам бошқа халқлар орасида



хурмат-эътиборга сазовор бўлиб келган. Шарқона таълим-тарбияда ор-номус, одоб-ахлоқ, сабр-қаноат, бағрикенглик, илм-маърифатга интилиш, ўзидан яхши ном, яхши амаллар қолдириш каби фазилатлар бундан минг йиллар аввал ҳам бугунгидек муҳим аҳамият касб этган.

Қалблари илм-маърифат нуридан мунаввар бўлган кишилар ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлардан тийилиб, кибрга, ҳою ҳавасга берилмай, белларига камтаринлик белбоғини боғлаб яшаган. Улғу алломаларимизнинг бизларга қолдирган маънавий меросида бу борада кўп ҳикматли ҳикоятлар бор.

▶ Давоми 3-бетда

БРИТАНИЯ ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ БИЛАН ТАНИШДИ

Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонасида Буюк Британия парламенти вакиллари учун Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасининг мазмун-моҳияти тўғрисида брифинг ўтказилди.

Онлайн тадбирда Ўзбекистон бўйича умумпартиявий парламент гуруҳи (АППГ) ва Парламентлараро Иттифоқдаги Британия гуруҳи аъзолари, хусусан, АППГ раиси Эндрю Бриджес, Жамоатлар палатаси депутаты Мартин Виккерс, Лордлар палатаси аъзолари лорд Боунесс, лорд Лилли, лорд Логан, лорд Вейверли, лорд Балф, баронесса Стерн, баронесса Сатти ва бошқалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Саид Рустамов Буюк Британия қонун чиқарувчиларига Ўзбекистоннинг ўтган йили эришган ютуқлари ва давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида келгуси йилларда республикани ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифалар тўғрисида батафсил маълумот берди. Мамлакатимизда коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва глобал инқироз шароитида миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилаган чора-тадбирлар алоҳида қайд этилди.

Аҳоли саломатлиги ва ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлаш, инсон капиталини ривожлантириш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўсloхотларни амалга ошириш соҳасидаги ҳукуматнинг асосий вазифалари таъкидланди. Шунингдек, мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари, хусусан, қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга оид масалалар баён қилинди.



Ўзбекистон Президентининг Мурожаатномасида мамлакатимиз ҳар томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш ниятида бўлган ташқи сиёсий шериклар қаторида Буюк Британиянинг борлигига алоҳида эътибор қaratилган. Британиялик парламентарийлар Президент Шавкат Мирзиёев Мурожаатномасида белгиланган вазифалар қўламини таъкидлаб, ўтган йилги жиддий синовларга қарамай, Ўзбекистоннинг ислохотлар йўналишини давом эттиришга содиқлигини юқори баҳолади.

Буюк Британия парламенти ҳам, ҳукумати ҳам ислохотлар дастурини муваффақиятли амалга оширишда Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам беришни давом эттиришга тайёригилни билдирди.

“Дунё” АА

Лондон

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТУБ БУРИЛИШ КАСБ ЭТМОҚДА



**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОВЕВ,
тарих фанлари доктори,
профессор**

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2021 йилда мамлакатимиз ташқи сиёсатини амалга оширишда Марказий Осиё давлатлари билан устуворлик давом эттирилиши маълум қилинди. Бу давлатимиз олиб бораётган очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсатни инobatга олиб ҳамда узоқ муддатли стратегик мақсадларимиздан келиб чиққан ҳолда, Ташқи сиёсий фаолият концепциясининг такомиллаштирилишини аниқлатади. Халқаро тажриба ҳам, энг аввало, ўз минтақасидаги қўшнилари билан дўстона ва самимий муносабатлар ўрната олмаган мамлакат яққаланиб қолишини кўрсатди.

Мураккаб пандемия шароити эса бир-биримизга қанчалик боғлиқ ва керак эканимизни яна бир бор намоён этди. Бу ижобий жараёнларни чуқур ўрганиш ва янада ривожлантириш мақсадида жорий йилда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё халқаро институти ташкил этилди. Мақсад — Марказий Осиёни тинчлик ва барқарорлик, чинакам тараққиёт ва ривожланиш марказига айлантириш.

Бунинг исботи ўларoқ, уч йил муқаддам Тошкент вилояти фаоллари олдига қилган чиқишида давлатимиз раҳбари шундай деган эди: “Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида сўнгги 25 йил ичида тўпланган улкан муз бор. Бу муз эриши учун қўшни давлатлар билан ҳамкорликда кўпгина ишларни амалга оширишимизга тўғри келади”.

Очигини айтиш керак, ўтган тўрт йил ичида Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан минтақанинг барча мамлакатларига юқори даражадаги таширфлар амалга оширилди. Мазкур таширфлар давомида Марказий Осиё мамлакатлари учун ўзаро манфаатли бўлган хавфсизлик, иқтисодиёт, инвестиция, маданият ва экология масалалари бўйича қарорлар қабул қилинди.

Натижада тарихан қисқа вақт ичида Ўзбекистон ва минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг яхши томонига бурилишига сабаб бўлган улкан ўзгаришлар рўй берди. Айтиш мумкинки, Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари билан яхши муносабатлар қарор топди. 2016 йилга қадар бўлган муаммолар бугун бутунлай бартараф қилинди. Минтақа давлатлари раҳбарлари ўртасида сиёсий мулоқот, президентлар ўртасидаги шахсий ишонч мустаҳкамланди.

▶ Давоми 4-бетда

МИЛЛИЙ АРМИЯ — ИФТИХОРИМИЗ

ЁШЛАР — ВАТАННИНГ БЎЛҒУСИ ҚАҲРАМОНЛАРИ



**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
инновацион ривожланиш
вазир, академик**

Ўтган йили барчамиз бошимиздан кечирган мураккаб палларда мамлакатимиз ҳарбий хизматчилари матонати, шижоати ҳамда ватанпарварлиги билан шифокорлардан асло кам хизмат қилгани йўқ. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида ҳам “Ана шундай ғоят кескин шароитда Қуролли Кучларимиз Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг “Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ — чин вазифангиздур”, деган эзгу даъватини ўзига шior қилиб олди”, дея юрт ўғлонларининг матонатига юксак баҳо берди.



Ҳақим йўлдошев олган сурат.

Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимиз ҳаётининг бошқа жабҳалари қатори ҳарбий соҳанинг ҳам энг муҳим йўналишлари бўйича замон талабларига мос қарорлар қабул қилинди. Амалга оширилган тизимли ва комплекс чора-тадбирлар натижасида қисқа давр ичида миллий армиямизнинг жанговар шайлиги ва умуман, мамлакатнинг мудофаа қобилияти ошди.

Ватан ҳимоячилари куни арафасида Қуролли Кучлар академиясига таширфи асносида ўтказилган йилги давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларни ривожлантириш ва мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор инновацияларни кенг татбиқ этиш масалаларига алоҳида тўхталди.

Жумладан, барча даражадаги қўмондонлик ва бошқарув органлари

фаолиятини такомиллаштириш, қўшинларда автоматлаштирилган бошқарув воситалари ва комплексларни жорий қилиш орқали уларнинг ҳамкорликдаги оператив ва жанговар тайёргарлик даражасини ошириш, шунингдек, ахборот ва киберхавфсизлиқни таъминлаш истиқболдаги долзарб вазифалардан бўлиб қолишини таъкидлади.

Бундан тахминан бир йил аввал Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти негизига ҳарбий соҳа учун инновацияларни янада амалга ошириш дастури тасдиқланган. Мазкур дастур доирасида қатор ишлар бажарилаётган. Ўтган йили махсус йўналишда 4,3 миллиард сўмлик учта илмий тадқиқот ишига киришди. Мазкур йўналишдаги илмий ишларга ажратилган маблағ 2019 йилдагига қараганда, ўн бар баравар кўплиги диққатга сазовор.

Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг илмга чанқoқ бир гуруҳ талабалари Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар академияси аъзосидир. Аини пайтда юртимизнинг бўлғуси посбонлари вазирлигимиз томонидан ёшлар учун ташкил этилаётган танлов ва кўргазмаларда фаол иштирок этмоқда. Ёшлар академияси томонидан 2020 йил 1–15 декабрь кунлари ташкил этилган “TechnoWays” технологик ривожланиш марафонида Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг беш нафар ихтидорли талабаси ўз лойиҳалари билан қатнашди. Марафоннинг якуний босқичида ҳарбий институт талабаси Ойбек Деҳқоновнинг тиббий маълумотларни аниқлаш ускунаси 30 миллион сўм миқдоридagi мукофот билан рағбатлантирилди.

▶ Давоми 5-бетда

Агар кимдир, маънавият масаласи — бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

ҚАҲРАМОНЛИКЛАРГА УНДОВЧИ ҚУДРАТ



Исажон СУЛТОН,
инновацион ривожланиш
вазирининг маслаҳатчиси,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Давлатимиз раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқи юртдошларимизга, айниқса, зиёлиларимизга баланд руҳ бахш этди ва атрофчи муҳокамаларга сабаб бўлди. Бу муҳокамалар, айниқса, Президент маънавият тушунчасини кенг изоҳлаб бергани билан ҳам боғлиқ. Президентимизнинг *“Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”*, деган таъкиди мазкур йиғилишнинг мазмун-моҳиятини янада кенг очиб берди.

“Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган”, деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, чуқур ўйлаб қарасак, шонли аждодларимизнинг улуғвор ишлари кучли ватанпарварлик руҳи, юксак маънавият негизда рўёбга чиққан. Оддий қилиб айтганда, қаҳрамонликлар, фидоийликлар ва эл-юрт учун жон куйдириш, Президентимиз



таъбири билан айтганда, “ўзини қийнаш” — кучли маънавият билан чамбарчас боғлиқ фазилат, албатта.

Мамлакатимиз тарихидаги шонли биринчи ва иккинчи Ренессанс давлари ҳукмдорлари ва мутафаккирларининг улкан тарихий зафарларга эришиши ва юрт шарафини қўқларга кўтариши, атоқли ҳарбий саркардаларимиз кўрсатган жаҳоншумул қаҳрамонликлар тамалида ҳам, само тўла олис юлдузлар сирларини кашф этиш, осмон ёриткичлари жадвалини тузиш, модда ичига разм солиш, ўта мураккаб ва тасаввурга сизмас муътабар Инсон вужуди хусусиятларини ўрганиш ва касалликларга даво излаш негизда ҳам шу ҳаётбахш қудрат, улуғ фазилат тургани ҳақиқат.

“Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қурооллантиришимиз зарур”, деди давлатимиз раҳбари.

Бу сўзларни мулоҳаза қилар экансиз, буюк бобларимизнинг юрт шон-шарафи учун азиз жонидан кечиб кўрсатган қаҳрамонликлари ёдга келади. Жалолиддин Манғуберди, Амир Темур, Шохрух Мирзо, Захриддин Мухаммад Бобур каби улуғ саркардаларимизнинг жасорати негизда, аввало, адолат, халқ манфаатлари бўлган. Қаҳрамонликлар ва фидоикорликларнинг илҳомбахш кучи юксак маънавиятдир, албатта.

“Бир зиёли — бир маҳаллага маънавий ҳомий” тажрибаси эса халқимизнинг азалий аъёналарига асосланган, дунёда тенги йўқ эзгу ташаббус, деб баралла айта оламиз. Яна тарихга мурожаат қилсак, атоқли олим ва мутафаккирлар мамлакат миқёсидаги обрўли кишиларнинг фарзандларига сабоқ бериши урф бўлган, хусусан, Абу Абдуллоҳ Нотилий Абу Али ибн Синога, ҳазрат Алишер Навоий Султон Хусайн Мирзонинг бир неча фарзандига, мавлоно Хусайн воиз Кошифий эса Абулмуҳсин Мирзога дарс бергани маълум. Президентимиз таклифи ушбу қутлуг аъёнани барча маҳалларга, бутун Ўзбекистонга жорий қилиши билан катта аҳамият касб этади. Эл-юртнинг кўзга кўринган зиёлилари, адиллари ва олимларига юксак ишонч — ёшларни миллий руҳда, юксак маънавиятли қилиб тарбиялашга кўмаклашиш вазифаси қўйилмоқда. Бу юрт учун, халқ учун қилинадиган шарафли хизмат бўлиши билан бирга, зиёлиларга ва адилларга берилган катта имконият ҳамдир.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкурaviй имунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялаш масаласи доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда.

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ



Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт
масалалари қўмитаси раиси

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ана шу долзарб масала муҳокама қилинди.

Хусусан, маънавият ва маърифат йўналишидаги фаолиятни узлуксиз такомиллаштириш, тарғибот тадбирларининг самарадорлигини ошириш, соҳага оид тадқиқот ишларини ташкил этиш, қўлланма ва адабиётлар яратиш, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштириш, мавжуд маънавий таҳдидларга қарши тарғибот тизимини кучайтириш, юртимизда кечаётган изчил ислохотлар моҳиятини аҳолига етказиш, ҳамюртларимизнинг Ватанимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишига нисбатан дахлдорлик туйғусини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари томонидан маънавий-маърифий ишларнинг ягона тизимини яратиш, хусусан, ёшларни болалигиданоқ билимли ва фазилатли этиб тарбиялаш, бунинг учун мактабгача таълим ташкилотларига методик ёрдам кўрсатиш муҳимлиги, мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим ташкилотларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатма берилди. Барча олийгоҳ ва уларнинг филиалларида мавжуд штат бирликлари доирасида ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозими жорий этилиши маълум қилинди.

Шу билан бирга, миллий ва диний қадриятларимизда фарзанд тарбиясидаги нозик жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлиги, компьютер, интернет, телефон, телевидение, айниқса, хусусий каналлардаги енгил-елпи, мазмунан саёз ва турли зарарли одатларни тарғиб этувчи фильмлар ёшлар тарбиясига салбий таъсир этаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шундан келиб чиқиб, сенатор ва депутатларни амалдаги қонунларни яна бир бор таҳлил этиш, назоратга олиш орқали жавобгарлик ва масъулиятни оширишга чақирилди.

Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий меросини ўрганиш ёшларимизнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиши борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдики, бу айни мударридир. Шу мақсадда Тошкент шаҳридаги “Ғалаба боғи” мажмуаси халқимиз, айниқса, ёшлар учун ҳарбий тарих ва аждодларимиз қаҳрамонлигини ўрганиш бўйича илмий марказга айлантирилади. Қолаверса, миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, жамиятда адабиёт

**МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ
ЙЎНАЛИШИДАГИ
ФАОЛИЯТНИ УЗЛУКСИЗ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ,
ТАРҒИБОТ
ТАДБИРЛАРИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ, СОҲАГА ОИД
ТАДҚИКОТ ИШЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ, ҚЎЛЛАНМА
ВА АДАБИЁТЛАР ЯРАТИШ,
БУ БОРАДАГИ ФАОЛИЯТНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ,
МАВЖУД МАЪНАВИЙ
ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ
ТАРҒИБОТ ТИЗИМИНИ
КУЧАЙТИРИШ,
ЮРТИМИЗДА КЕЧАЁТГАН
ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР
МОҲИАТИНИ
АҲОЛИГА ЕТКАЗИШ,
ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ
ВАТАНИМИЗДА
ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН
БУНЁДКОРЛИК ВА
ЯРАТУВЧАНЛИК ИШИГА
НИСБАТАН ДАХЛДОРЛИК
ТУЙҒУСИНИ КУЧАЙТИРИШ
БЎЙИЧА МУҲИМ
ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ
ОЛИНДИ.**

ва китобхонликни янада ривожлантириш мақсадида “Ижод” жамоат фонди негизда Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилади.

Йиғилишда яна қатор ғоя ва таклифлар илгари сурилиб, буларнинг барчаси пировардида ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларнинг юртимизда олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини оширишга, миллий қадрият ва аъёналаримиз, бетақор маданият ва маънавий меросимиз, буюк аждодларимиздан қолган ноёб ёдгорликларни илмий жиҳатдан ўрганишга, замонавий билим, кўникмага эга, мамлакат келажаги учун жавобгарлиқни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан, серғайрат ёшларни тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимиз йиғилишда: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”, дея улкан ҳақиқатни яна бир марта ёдимизга солиб ўтди. Бу айни чоғда олдимизда турган вазифалар нечоғлиқ салмоқли эканини аңглатади. Шундай экан, биз, сенаторлар ҳам мазкур вазифалар ижросида камарбаста бўлишимиз талаб этилади.



Шодмонқул САЛОМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, шоир

“Ҳар қандай жисм гравитацияга учрайди, акс ҳолда, чексиз коинотда парчаланиб, йўқ бўлиб кетади!”

Гравитация — тортиш, таъсир этиш майдони. Бу қонун бутун борлиқ яралгандан буйён амалда. Агар бу қонун ўз кучини йўқотса, она еримиз қуёшдан олислаб кетар, уммонлар тубигача музлар, яшил олам хазон бўлар, табиат гавҳари — инсоннинг ҳаёти мангуга тўхтар эди. Минг шукрки, тақдир ота этган азал қонунлар мавжуд ва улар бизга бўйсунмайди.

Бу гаплар куни кеча Президентимиз ўтказган йиғилишдан кейин ҳаёлимдан кетмай қолди. У ерда тилга олинган “миллий замин” сўзи инсоннинг меҳвари бўлган — маънавиятнинг асоси эканини, усиз илм ҳам, тажриба ҳам, тил билиш ҳам ҳеч нарса эканини ҳар доимгидан-да теранроқ аңгалагандай бўлдим.

Халқимизда “оёғи ердан узилган”, деган ибора бор. Бу босар-тусарини билмай қолган, ўзини, ўзligини унутган одамга нисбатан айтилади. Ваҳоланки, ҳеч ким оёғи ердан узилган ҳолда бир қадам ҳам босолмайди — ҳаракатлана олмайдди. Ҳар бир кишига жамиятнинг, атрофидаги одамларнинг ўз баҳоси бор. Эл — синчи!

МИЛЛИЙ ЗАМИН

**ОДАМ БИР НЕЧА
ДАҚИҚА НАФАС
ОЛМАЙ ТУРСА —
ЎЛАДИ. МАЪНАВИЙ
ОСМОНИМИЗДА
ҚАНДАЙ ҲАВО МАВЖУД
БЎЛСА, ОДАМЛАРИМИЗ
ИСТАЙДИМИ-ЙЎҚМИ,
ШУ ҲАВОДАН НАФАС
ОЛАДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ
ЎТКАЗГАН ЙИГИЛИШ АНА
ШУНДАЙ КЎЗГА КЎРИНМАС
ХАВҒГА БЎЛГАН
ОГОҲЛИКДИР, ОГОҲЛИККА
ЧАҚИРИҚДИР.**

Дейлик, бир неча тилни билувчи, замонавий технологиялардан бохабар, ўз ишнинг устаси, аммо ота-онасига ноқобил, маҳалла-қўйни, қадриятларни писанд қилмайдиган кишидан эътиқод ҳам, Ватанга садоқат ҳам кутиб бўлмайди. Бундай қимсага ўзбеклар: “одамгарчилиги йўқ” деб баҳо беради. Сиз мабодо унинг ёнини олиб, “Ахир, у яхши врач (яхши уста, яхши технолог)”, десангиз, жавоб шундай бўлади: “Осмонни ушлаб турган бўлсам, аввал одам бўлсин!”. Маънавият дегани шу.

Биз адабиётни, санъатни нега ўрганамиз, дарсликларга киритамиз? Мактабда Тарбия фани нега жорий қилинди? Буларнинг барчаси табиат қонунларига мувофиқ амалга ошмоқда: инсон — эҳтиёж фарзанди. Мудом ахборот, информация, руҳий озуқаларга муҳтож. Ва бирор жойда ҳам бўшлиқ йўқ. Агарда тафаккуримизда бўшлиқ пайдо бўлса, унинг ўрнини

дарҳол бошқа нарса эгаллаб олади. Китоб этиб бормай қолган жойларни маза-матрасиз сериаллар эгаллаганидек.

Жамият кишилари яхши билан ёмонни, фойдали билан зарарлини ажрата олиши мумкин, бироқ яхшини топиш икони бўлмаса, бориға бозор, деб топилган “озуқа”ни истеъмол қилаверадим. Бир ижодкор сифатида, турли муносабатларда юртдошларимиз билан учрашганимда, уларнинг саволларига диққат қиламан: “Фалон газета чиқаяр-ими?” “Фалон журналнинг муҳарририни телевизорда кўрдик. Афсуски, бу журнал бизга этиб келмайди...”. Бу одамлар сериаллар қуршоида қолиб кетган. Маънавий эҳтиёжини қондирмайди, лекин илжои йўқ. Аммо улар яхши билан ёмонни ажрата олади. Энг ёмони — оқ билан қорани ажрата олмаётган ёшлар кўпайиб кетаётгани. Дейлик, Ойбекнинг “Навоий” романи берадиган маънавий қудратни маънавиятчимизга мос келмайдиган лавҳаларга бой сериалдан фарқлай олмайдиган ёшларнинг аҳоли ачинарлидир.

Одам бир неча дақиқа нафас олмай

турса — ўлади. Маънавий осмонимизда қандай ҳаво мавжуд бўлса, одамларимиз истайдими-йўқми, шу ҳаводан нафас олади. Президентимиз ўтказган йиғилиш ана шундай кўзга кўринмас хавфга бўлган огоҳликдир, огоҳликка чақириқдир.

Нима қилмоқ керак: яхши китоблар ададини кескин кўтариш керак! Маънавиятга хизмат қиладиган, Ватан манфаатларини кўзловчи нашрларнинг одамларга этиб боришини таъминлаш зарур!

Айтилган гаплар ўз эгаларигача этиб бориши, бағримизда усаётган боламизни ўзимиз тарбия қилишимиз лозим. Уни телевизор ёки телефон ўз таъсирига олмаслиги керак. Зеро, давлатимиз раҳбари бу масалада, ўз фаолиятининг илк кунларида куюнчақлик билан: “Бугун битта китоб ўқиётган бола, эртага ўнлаб, юзлаб телевизор қаршисида ўтирган болаларни бошқаради”, деган эди. Шундай экан, миллий заминимиз — маънавий маконимизни маҳкам бўлиб, оёқни тик босмоғимиз, бу йўлда ҳар биримиз ўз улуғимизни беришимиз ҳар қачонгидан ҳам зарур!

Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МАЪНАВИЯТ — ЯНГИ УЙҒОНИШ САРИ ЙЎЛ



Бошланиши 1-бетда

Шу боис, эл-юртимиз не-не босқини истилоларга, оғир йўқотишларга қарамай, ўзлигини, дину диёнатини сақлаб қолган.

Маърифатли, зиёли кишиларнинг ибратли ҳаёти, илмий хазинаси дунё тамаддуни саҳифаларини ҳамон машъала янглиғ ёритиб келади. Халқимизнинг табиати ва тарихий таърибасидан келиб чиққан ҳолда, маънавий тарбия ва маънавий қомиллик миллий истиқлол ғоясининг муҳим талабига айланди.

Бу ғоя янги овоз ва эркин жамиятимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг бугун ҳам устуворлиги, оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги, ота-онага, миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат, ҳаёт адабийлигининг рамзи бўлмиш аёл зотиға эҳтиром, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳроқибат каби фазилатларни ўзида тўла акс эттиради. Айни чоғда, бу ғоя қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик, турли миллат ва элат вақилларига, уларнинг миллий туйғу-лари ва диний эътиқодига ҳурмат каби умуминсоний қадриятларни ҳам юксак даражада эътироф этади.

Бугун дунёнинг у ёки бу мамлакати, у ёки бу қитъаси эмас, бутун ер юзи турли талатўппар гирдобига қолаётган, қонли можаролар, босқинчилик ҳаракатлари ва, ниҳоят, жумлаи жаҳонни титраган коронавирус пандемияси пайтида умумтирикликни, тинч-тотув ҳаётни, иқтисодий барқарорлиқни, эртанги кунимизни сақлаб қолишнинг ягона нажот йўли — маънавиятни асрашдир. Фақат шу фазилат билангина омон қолиш мумкин. Ортимиздан келаётган ёш авлод тарбиясига бир кунлик эътиборсизлик, талабчанликнинг бир зум сусайиши ҳам жиддий муаммоларга олиб келади. Бу сабоқ, айниқса, бугун — ёшлар онги ва қалбини эгаллаш учун кураш дунё микёсида кучаяётган бир пайтда янада муҳим аҳамият касб этади. Бундай тарбия наинки ота-онанинг, устоз-мураббийнинг, жамият тақдирига, тинчлик-тотувликка бефарқ бўлмаган ҳар бир кишининг, давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар, фаол

зиёлилар, маҳалла оқсоқоллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ҳам муштарак вазифаси ҳисобланади. Тарбия қаерда суст бўлса, шу ерда турли нохуш иллатлар урчий бошлайди, ёш, ҳаётий таърибаси кам ёшлар турли ғаразли оқимларнинг таъсирига тушиб қолади.

Социолог олимлар узоқ кузатув ва таҳлиллардан сўнг, жинойи хатти-ҳаракатлар миллий-маънавий тафаккур заифлашган, миллий анъаналарга риоя қилиш сустлашган, тарихий хотира унутила бошлаган ҳагда она тилининг қўлланилиши камайган ҳудудларда кўпроқ содир бўлади, деган хулосага аллақачон келган.

Буюк файласуф олим Абу Наср Форобий ўз асарларида тарбия таълимдан устун турадиган ва таълимга нисбатан эрта бошланадиган жараён эканини исботлаб берган.

Инсоннинг покиза туйғулари, дастлабки ҳаётий тасаввурлари оила бағрида, она алласи ва миллий-маънавий муҳит шароитида шаклланади. Жамият таълим ва тарбияга эътибор берар экан, бу билан у, аввало, ўзининг маънавий-ахлоқий пойдеворини мустаҳкамлайди, ўсиб-ўлғаяётган ёш авлод дунёқарашининг тўғри шаклланишини, илм-маърифатга ҳавас қўйишларини таъминлайди. Буюк маърифатпарвар

Маҳмудхўжа Бехбудий: “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймон бўлур”, деганида қанчалик ҳақ эканини бугунги ёш авлоднинг халқаро майдонда эришяётган ютуқларидан ҳам билиб турибмиз.

Мустабид тузум улуғ аждодлардан мерос бўлиб қолган кўплаб қадриятларни феодал ўтмиш сарқити, дея ҳаётимиздан ажратиб қўйди, онг-шууримизга, турмуш тарзимизга ўзининг ғайриахлоқий, маънан пуч ғоя ва “қадрият”ларини сингирди, шу йўл билан миллий туйғу ва ғурурни заифлаштиришга, тарихимизни сохталаштиришга, хотирамизни сустлаштиришга эришди. Бу йўқотишларни жой-жойига қўйиш осон кечаётгани йўқ.

Бош Қомусимизда инсон шаъни, ғурури, қадр-қиммати, бошқа дахлсиз ҳақ-ҳуқуқлари ҳаётимиздаги олий қадрият даражасига кўтарилди. Ўқиш, меҳнат қилиш, илм-фан, маданият ва санъат ютуқларидан баҳраманд бўлиш, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиши, ота-оналар фарзандларини вояга еттунга қадар тарбиялашлари каби талаблар миллий қадрият сифатида конституциявий бурчимизга айланди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг турли касб



БУГУН ҚАЙҒУРМАСАК, ЭРТАГА КЕЧ БЎЛАДИ



Сирожиiddин РАУФ,
“Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналлари бош муҳаррири

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги билдирилган фикрларини халқимиз, айниқса, соҳа вақиллари эътибор билан тинглади. Маърузада бизни анчадан буён ўйлантириб келаётган бир қатор муаммолар рўй-рост очиб ташланди. Энг муҳими, буларнинг маънавий, ҳатто иқтисодий ечими ҳам белгилаб берилди.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, шу вақтга-ча давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик қониқарли даражада бўлмаган. Бу эса барча кучларни ягона мақсад йўлида бир ўзанга жамлаш имконини бермасди. Хусусан, фарзандларимизни билимли, ҳар томонлама қомил инсон этиб тарбиялашга масъул бўлган ўқув муассасалари, хусусан, ўқувчи ва устозлари адабий-бадий журналлар билан танишиш имконидан, демаки, мутолаа

завқидан, бугунги замонавий адабиётимизнинг бебаҳо таъсиридан бенасиб бўлиб келаётганди.

Президентимиз бу кемтикни тўлдирishi воситаси сифатида “Маънавий ҳаёт”, “Тафаккур”, “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи” журналларини ҳар бир мактабга, маҳалла ва олий ўқув юртиларига етиб боришини таъминлашни мутасаддиларга вазифа қилиб белгилади. Шу билан бирга, “Агар кимдир маънавият масаласини бу фақат Маънавият маркази

эгалари, нурунийлар, ёшлар, ижодкор зиёлилар билан мулоқотларида, Олий Мажлисга Мурожаатномаларида янги авлод тарбиясининг миллий тараққиёт билан бевоСИТА боғлиқлиги олдимизда турган энг муҳим вазифа эканлиги алоҳида уқтирилади. Биз бугун тарихнинг янги уйғониш фаслига пойдевор қўяётган эканмиз, бу улуғ вазифани маънавият асосларини, замонавий билимларни, илғор халқаро тажрибаларни талаб даражасида эгалламай туриб, амалга ошириб бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон ёшларининг биринчи форуми ҳамда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида маънавият йўналишида белгилаб берган вазифалари бу ишга янада жиддий киришишни тақозо этади. “Чунки бу борада ечимини кутиб турган, ўзаришлар шамоли кириб бормаган масалалар кўп. Миллий ғоянинг моҳиятини тўлиқ англаб етмаган, эски мафкураи тасаввур қилиб, бунга юзак қарайдиганлар ҳам йўқ эмас. Биз яратяётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган”.

Оила-маҳалла жуфтлиги ёш авлод тарбияси учун биргаликда масъул десак, мулолабга бўлмайди. Кейинги йилларда дунё жамоатчилигининг ўзбек маҳалласига эътибори анча кучайди, оила, никоҳ, болалар тарбияси, ота-она ва фарзандлар муносабатлари каби тушунчаларни жиддий ўрганиш бошланди. Бу қувонarli, албатта. Аммо таассуф билан айтиш кераки, мамлакатимизда оила ва маҳаллага бўлган эътиборни бошқача талқин этаётганлар ҳам йўқ эмас. Улар оила аъзоларининг, масалан, эр ва хотиннинг, ота-она ва фарзандларнинг, турли миллат ва элатларга мансуб маҳалладошларнинг аҳил-иноқлигини, бир-бирларига ҳурмат-эътиборни, фарзандларнинг ота-оналари билан бирга ашашларини, улардан доимо хабар олиб туришларини ортиқча тавиш, инсон ҳуқуқларининг екланиши, деб баҳолайди. Уларга қолса, фарзандлар кўпроқ ўзларини, шахсий роҳат-фароғатларини уйлашлари, вақтларини ота-оналарига сарфлаб ўтирмасликлари керак. Кексалар болаларига “юк” бўлгандан кўра, қариялар уйда истиқомат қилганлари маъқул, дейишади. Биз бугун эркин ва очик мамлакатмиз. Аммо бундай қарашларни қабул қила олмаймиз.

Бугун Ўзбекистонда ёшлар маънавиятига оид давлат сиёсатини белгилашда Президентимиз тамомила янги ёндашув зарурлигини уқтирмоқда. Очик айтиш кераки, йиллар давомида жамият ёшларнинг ғайрат-шижоатларидан фойдаланиб келди, уларни турли вазифаларга, ҳаракатларга сафарбар этди, аммо зарур ҳаётий муаммоларини ҳал этмади, орзу-ниятлари ёшликка хос жўшқин талқинлари эътиборсиз қолди.

Натижада кўпгина ёшларда ижтимоий фаоллик сусайди, бефарқлик, умидсизлик кайфияти юзуга келди. Маънавият бу нохушликларга барҳам беради. Чунки келажакка ишонч, сабр-қаноат, ҳар қандай шароитда ҳам олға интилиш, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик бизнинг қонимиз-



**ОИЛА-МАҲАЛЛА
ЖУФТЛИГИ ЁШ АВЛОД
ТАРБИЯСИ УЧУН
БИРГАЛИКДА МАСЪУЛ
ДЕСАК, МУБОЛАҒА
БЎЛМАЙДИ. КЕЙИНГИ
ЙИЛЛАРДА ДУНЁ
ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ
ЎЗБЕК МАҲАЛЛАСИГА
ЭЪТИБОРИ АНЧА
КУЧАЙДИ, ОИЛА,
НИКОҲ, БОЛАЛАР
ТАРБИЯСИ, ОТА-ОНА
ВА ФАРЗАНДЛАР
МУНОСАБАТЛАРИ
КАБИ ТУШУНЧАЛАРНИ
ЖИДДИЙ ЎРГАНИШ
БОШЛАНДИ.**

да бор. Муслмон ота-боболаримиз Андалузияда эришган илмий-маънавий ютуқлар уларни “Оврупо муаллимлари” мақомига кўтарган. Фитрат бобомизнинг “Шарқ сиёсати” асарида қуйидагиларни уқиймиз: “Африқога кирган муслмонлар Амриқо ва Африқони босқон (босиб олган) маданий овруполилардек, ерли халқни битирмак учун тиришмадилар. Уларға маданият бердилар. Амриқоға кўноқ бўлуб кирган Оврупа маданиялари Амриқо ерли халқини битираёздилар, буни билмаган йўқдир. Африқони босиб олган Оврупа жаҳонгирлари у ердаги қора халқни ўлат каби ўлдириб туралар. Ҳолбуки, муслмонлар Африқонинг Жазоир, Тунис, Фас (Марказий Африка) каби ўринларини олғач, у ерларни тараққий этдурдилар, халқини тинчлантурдилар, улардан буюк одамлар етушдирдилар. Шарқ ўзининг тарихи, сиёсати, хунари, инсофи, адолати, ахлоқи ва хидмату эътиборлари билан унча юксалмиш, у қадар тараққий этмиш эдиким, тасаввури ҳам бизнинг мияларимизга сиғмайдур. Шарқ маданий йиртғучи эмас эди. Шарқ бошқаларнинг ҳақларини олмас эди. Шарқ башариятнинг юксалиши учун тиришар эди. Шарқ маданият ўчоғи, инсоф бешиғи, ахлоқ мактаби, билим мадрасаси эди. Биз, шарқликлар, башариятга қилган хидматларимиз учун бу кунги қонли Оврупага қарши яхшигина махтана олурмиз... Негаким, Шарқ билим, хунар йўлинда Оврупа жаҳонгирлари қонин ичмак, орқадош уйин талламоқ учун эмас, инсонлик дунёсини юксалтирмоқ учун тиришар эди”.



ёки тегишли вазирлик ва идоралар иши, деб уйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир”, деб таъкидлаб ўтди.

Маънавият дунёқарашни шакллантиради. Бой маънавиятга эса фақат ва фақат адабиёт-ни ўқиш, ўқиш ва ўқиш орқали эришилади. Мод-

Бу сатрлар халқимизнинг маънавий илдиэлари бориб тақаладиган соф ва покиза чашмаларга элтади. Шу боис, бугун Ўзбекистонда маънавий тарбия билрамчи, эртанги кунимизнинг асосини яратувчи вазифа мақомига эга бўлиб турибди. Бу ишда матбуот, радио-телевидение, хусусан, “Тафаккур”, “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Маънавий ҳаёт”, “Саодат” журналларида эълон қилинаётган асарлар, тахлилий мақолалар маънавият тарғиботчиларига жиддий кўмакчи бўла олади. Олий ўқув юртлари, лицей, коллеж ва умумий ўрта мактабларнинг тарих, она тили ва адабиёт, маънавият асослари ўқитувчилари “Жаҳон адабиёти”да чоп этилаётган Алишер Навоий ғазалларига ёзилган ўзбекча, русча ва инглизча шарҳларни, Азизиддин Насафийнинг “Қомил инсон китоби”, Фёдор Достоевскийнинг “Ака-ука Карамазовлар”, Рустам Уммотовнинг “Бобур ва Наполеон”, Шарлотта Бронтенинг “Жейн Эйр” асарлари, Исажон Султоннинг “Биби Робия кассаси”, Марҳабат Бойғутнинг “Ҳокимнинг аёли” ҳикоялари, Фаррухбек Олимнинг “Пахлавон Муҳаммад — қомиллик тим-соли”, Шерхон Қораявнинг “Самое йи-гиллари ва Алишер Навоий”, Қозоқбой Йўлдошнинг “Поэтик ёлқин ёғдуси”, “Тафаккур”да босилган академик Абдулла Ўззамнинг “Буюк армон”, Элдор Асановнинг “Бизни қандай келажак кут-моқда?”, Нодира Офюқнинг “Навоий ва жадидлар”, “Маънавий ҳаёт”да эълон қилинган Ҳалим Саидовнинг “Беҳбудий феномени”, Эшқобил Шукрунинг “Яшил оламнинг қизил китоби”, Абдулла Улуғовнинг “Қадриятлар ҳам қарийди-ми?”, “Шарқ юлдузи”да босилган Назар Эшонқулнинг “Таққ меваи”, Хуришд Дўстмуҳаммаднинг “Уйин” романлари, Хайриддин Султоновнинг “Халқимиз ҳаётининг бадийи қомуси”, Ҳамидулла Болтабоевнинг “Ҳазрат Навоий ижоди-дан руҳ олиб” мақолалари муҳтарам ўқитувчиларимиз олдида турган энг катта муаммо — бугунги кун талаб-ларига жавоб бера оладиган мукамал дарсликларнинг қамлиғи ўрнини тўлдир-иши аниқ-қў. Қутубхоналарда бу нашр-ларнинг, ҳеч бўлмаганда, бир нусхадан бўлиши илгма ихлосманд жуда кўп ёш-ларнинг олийгоҳлар сари йўлини ёри-тиши, тарбиячиларнинг адабий-маъна-вий оламини бойитиши оддий ҳақиқат. Таассуфки, шу оддий арифметикани тушунмаётганлар, тўғрироқ, тушуниш-ни истамаётганлар орасида масъул лавозимли мансбдорлар ҳам бор. Дав-латимиз раҳбарининг маънавиятчилар билан мулоқоти бу борадаги сунъий ту-сиқларни бартараф этишига шубҳа йўқ.

дий бойлиқни бир йилда, ана боринки, икки-уч йилда бунёд этиш мумкин. Аммо маънавий бой-ликка бир неча ўн йиллар давомида эришилади. Фарзандларимизнинг маънавияти учун бугундан бошлаб қайғурмасак, эртага кеч бўлади.

Маълумки, Иккинчи жаҳон урушида кўплаб давлатлар катта талофатлар кўрди. Япония эса ҳам талофат, ҳам бемисл кулфатга дучор бўлди. Атом бомбаси мамлакат шаҳарларини қулла-кун қилди. Тақдирни қарантки, бугун Япония энг ривожланган давлатлар қаторида турибди. Бун-га японлар қандай эришди? Таъкидлашларича, урушдан кейин улар давлат бюджетининг асосий қисmini илм-фан ривожига, келажак авлоднинг таълим-тарбиясига, ўқиб-ўрганишига сарфлаган экан.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, маъна-вият, маърифат, маданият ва, табиийки, таъ-лим бир-бирига занжирдек боғланган узвий тушунчалардир. Уларни айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, фарзандларимиз-нинг баркамол инсон бўлиб етишишини ният қилар эканмиз, таълим бериш билан бирга, уларнинг маънавияти ва маърифатига алоҳи-да эътибор қаратишимиз керак. Бир ижодкор сифатида зиёлилар олдиға қўйилган вазифа-ларни мен шундай тушундим.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК



2018 ЙИЛ ТЕРМИЗ ШАҲРИДА АФҒОНИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИ ҲҚИТИШ МАРКАЗИ ОЧИЛИБ, УНИ 136 НАФАР АФҒОНИСТОНЛИК ТАЛАБА ЯКУНЛАДИ. УШБУ БИТИРУВЧИЛАР АФҒОНИСТОН ПАРЛАМЕНТИ, ВАЗИРЛИК ВА ИДОРЛАРДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТЯПТИ. ҲОЗИРГИ КУНДА ТЕРМИЗДАГИ ҲҚУВ МАРКАЗИДА 172 НАФАР АФҒОН ТАЛАБАСИ ТАҲСИЛ ОЛМОҚДА. ЭЪТИБОРГА МОЛИК ЖИҲАТИ ШУНДАКИ, УЛАРНИНГ 46 НАФАРИ АФҒОНИСТОНЛИК ҚИЗЛАР.

ренция саналади. Анжуман якунида қабул қилинган Тошкент декларацияси Афғонистон ҳукумати ва "Толибон" ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри тинчликпарвар музокараларни зудлик билан бошлаш зарурлиги бўйича минтақавий ва глобал даражадаги ягона позицияни намойиш этди. Бу қадар самарали ташаббусни қудратли давлатлар ҳам илгари сура олмаганди.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашда Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги устувор мақсад бу, шубҳасиз, Марказий Осиё давлатлари билан ушбу йўналишда кенг қамровли ҳаракатларни амалга оширишдир. Ўз навбатида, сўнгги йилларда Марказий Осиёдаги янги минтақавий ҳамкорлик Афғонистон масаласида ҳам ягона позиция шаклланишига олиб келди. Хусусан, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг 2019 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган иккинчи Маслаҳат учрашуви доирасида қабул қилинган Қўшма баёнотда барча давлатларнинг Афғонистонда тинчлик ўрна-

Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши икки марта қуруқлик билан ўралган Ўзбекистоннинг транспорт-коммуникация имкониятларини оширади. Жанубий Осиё мамлакатлари билан савдо-сотик алоқаларимиз кенгайди. Дунёнинг илқ портларига чиқилишнинг қисқа йўли пайдо бўлади. 2021 йили Тошкентда минтақамизнинг Жанубий Осиё билан муносабатларига доир юқори даражадаги халқаро конференция ўтказиш режалаштирилаётгани ҳам бежиз эмас. Ҳозирги кунда Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Транс-афғон транспорт йўлини барпо этиш борасида дастлабки амалий қадамлар ташланди. Бу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши бутун минтақамизда барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашга бекиёс хизмат қилади.

Бежиз халқаро экспертлар Ўзбекистоннинг минтақадagi, шу жумладан, Афғонистон йўналишидаги ташқи сиёсати мамлакатни инвестор-

вақт давомида қаршилиқ кўрсатилди. Ўзбекистоннинг яхши қўшничилик сиёсати туфайли ушбу саволлар олиб ташланди.

Марказий Осиёда барпо этиладиган барча объектлар қўшни давлатлар манфаатларини инобатга олган ҳолда қурилиши зарурлиги келишиб олинди.

ПАНДЕМИЯ ҲАМКОРЛИККА ТЎСИҚ БЎЛОЛМАЙДИ

Коронавирус пандемияси хавфига қарамай, бугунги кунда минтақа мамлакатлари ўртасида фаол ҳамкорлик мавжуд. Давлат раҳбарлари доимий равишда телефон орқали мулоқот қилади. 2020 йилнинг узида Ўзбекистон Президентининг минтақа давлат раҳбарлари билан 40 марта суҳбатлашгани фикримизни исботлайди. Халқимизда шундай мақол бор: "Дўст бошинга қулфат тушган-

МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТУБ БУРИЛИШ КАСБ ЭТМОҚДА



Бошланиши 1-бетда

ТАШАББУСЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

Бугун айтиш мумкинки, минтақанинг барча мамлакатлари билан савдо айланмасида мисли қўрилмаган ўсиш кузатилмоқда. 2019 йил натижаларига қўра, Марказий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси 5,2 миллиард долларга етди. Фақат коронавирус пандемияси 2020 йилнинг кўрсаткичларига бироз манфий таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

Агар 2016 йилгача Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан йиллик товар айланмаси ўртача 100-150 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2019 йил натижаларига қўра, барча мамлакатлар билан товар айланмаси ўртача 50 фоиздан кўпроққа ўсган. Товар айланмаси Қирғизистон билан 8 баравар, Тожикистон ва Туркменистон билан 5 баравар, Қозғистон билан эса 1 миллиард долларга ўсди.

Кўрсаткичлар бу билан чекланмади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан очик, конструктив, пухта ўйланган ва прагматик сиёсати натижасида сўвдан фойдаланиш, Ўзбекистон ва қўшни давлатлар ўртасидаги давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш, транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш, давлат чегараларини кесиб ўтиш каби мураккаб ва чалқаш муаммоларга ечим топилди. 2017 йил 5 сентябрда Президентимизнинг Қирғизистонга давлат ташифи чоғида мазкур давлат билан, 2018 йилнинг 10 март кўни Тожикистон билан чегара шартномаси имзоланди. Натижада чегара пунктларидаги барча чекловлар олиб

ташланди. Агар 4-5 йил илгари ўзбек-қирғиз давлат чегарасини кўнига 200-300 киши кесиб ўтган бўлса, пандемиягача бу кўрсаткич кўнига 30 мингдан ошди. Тожикистон билан шартнома имзолангандан кейин аввал "қулф урилган" барча 17 та чегара пункти тўлиқ ишлаб бошланди. Мана, Ўзбекистон ва қўшни давлатлар ўртасидаги муносабатларда қандай ўзгаришлар юз берган.

Эслатишнинг ҳожати бўлмаса керак. 2016 йилгача Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг интеграция жараёнларидаги "тўсқинлик яратувчи давлат" сифатида таърифлашган бўлса, бугун бу "ёрлик" Ўзбекистондан бутунлай олиб ташланди. Чунки бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан Ўзбекистон минтақадagi интеграция жараёнларини фаол илгари сурмоқда. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ривожланмоқда. Муносабатларимизнинг ушбу учта устуни барча муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Президентимизнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси ҳамкорлиқнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш ва минтақанинг барқарор ривожланиши учун янги имкониятларни излашда майдон бўлди. Мазкур маслаҳат учрашуви катта истиқболга эга, чунки ушбу учрашувда Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари иштирок этмоқда. Илгари бундай саммитларга минтақанинг у ёки бу давлати турли баҳоналар остида иштирок этмасди.

2018 йил 15 мартда Остона шаҳрида бўлиб ўтган биринчи учрашувнинг асосий натижаси минтақанинг барқарор ривожланиши учун янги имкониятларни излаш ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни яхшилаш бўлди. Иккинчи Маслаҳат учрашу-

ви Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йилнинг 29 ноябрь кўни Тошкентда бўлиб ўтди. Тошкент учрашувидан сўнг Марказий Осиё мамлакатларининг яқинлашуви қайтариб бўлмас жараёнга айланди. 29 ноябрь кўни бўлиб ўтган охириги учрашув натижаларига қўра, барча давлат раҳбари билан қўшма баёнот имзоланди. Ушбу ҳужжатда Марказий Осиёнинг беш давлати раҳбарлари ўртасида хавфсизлик, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, туризмин ривожлантириш, ёшлар сиёсати бўйича барча келишувлар мавжуд бўлиб, табиийки, Афғонистон масаласи ҳам кўтарилган. Чунки Марказий Осиё мамлакатлари учун Афғонистон муаммосини ҳал қилиш жуда муҳимдир. Бугунги кунда Марказий Осиёга асосий таҳдид Афғонистондан келади.

АФҒОНИСТОН — МИНТАҚАНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИ

Ўзбекистоннинг минтақавий ташқи сиёсати ҳақида гап кетар экан, яна бир муҳим йўналиш — бу, шубҳасиз, Афғонистондаги вазиятдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Афғонистон Марказий Осиё минтақасининг бир қисми ҳисобланиб, икки мамлакат халқлари асрлар давомида ягона маданий-тамаддун маконда яшаб келган. Таъкидлаш керакки, ҳозирда дунё ҳамжамиятида Афғонистонда тинчликни ўрнатишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг сезиларли фаоллашувига туртки берган ҳодиса, бу — 2018 йил март ойида Тошкентда Афғонистон бўйича ўтказилган халқаро конфе-

БУГУН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЧИҚ ВА КОНСТРУКТИВ СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ МУАММО БАРҲАМ ТОПДИ. ЁДИНГИЗДА БЎЛСА, АМУДАРЬ ВА СИРДАРЁНИНГ ЮҚОРИ ОҚИМИДА ЖОЙЛАШГАН ТОЖИКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОНДА БАЪЗИ ОБЪЕКТЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МАСАЛАН, ТОЖИКИСТОНДА РОҒУН ГЭСИ ЁКИ ҚИРҒИЗИСТОНДА ҚАМБАРОТА-1, ҚАМБАРОТА-2 ГЭСЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИГА УЗОҚ ВАҚТ ДАВОМИДА ҚАРШИЛИК КЎРСАТИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ УШБУ САВОЛЛАР ОЛИБ ТАШЛАНДИ.

тишдан манфаатдорлиги акс эттирилди. Бунда минтақа давлатлари Афғонистонни Марказий Осиё савдо-иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларга жалб этиш бўйича саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Энг асосийси, Тошкентнинг Афғонистон йўналишидаги янгиланган сиёсати ва



ташаббуслари бутун Афғонистонда — мамлакат аҳолиси, расмий ҳукумат, турли сиёсий қушлар томонидан муносиб кутиб олинмоқда.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги муносабатларнинг фаоллашуви натижасида икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар ҳам сезиларли даражада юксалди. Хусусан, икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси 2019 йилга келиб, 617 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2015 йилга нисбатан 28 фоиз юқоридир. Савдо-иқтисодий алоқаларнинг фаоллашуви транспорт-логистика соҳасига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Мисол учун, 2019 йилга келиб, темир йўл орқали юк ташини ҳажми 10 фоиз ошиб, 1,1 миллион тоннага етди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик энергетика соҳасида ҳам жадаллашмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Афғонистонга электр энергиясини етказиб бериш ҳажмини 2002 йилга нисбатан 30 бараварга оширди. Икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналишларидан яна бири, бу — афғонистонлик малакали кадрларни тайёрлаш масаласидир. Ушбу мақсадда 2018 йил Термиз шаҳрида Афғонистон фуқароларини ўқитиш маркази очилиб, уни 136 нафар афғонистонлик талаба яқунлади. Ушбу битирувчилар Афғонистон парламенти, вазирлик ва идораларда фаолият кўрсатяпти. Ҳозирги кунда Термиздаги ўқув марказида 172 нафар афғон талабаси таҳсил олмоқда. Эътиборга молик жиҳати шундаки, уларнинг 46 нафари афғонистонлик қизлар.

лар учун жозибador ва халқаро ҳам-жамиятда ишончли ҳамкор сифатида гавдаланишига сабаб бўлаётганини ёзаётгани йўқ. Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатида олиб бораётган бутулки янгича ислохотлар нафақат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатяпти, шу би-

лан бирга, унинг халқаро майдондаги муҳим давлатлардан бири сифатида тан олиншига олиб келмоқда.

Шубҳасиз, мамлакатларимиз ҳозирги кўрсаткичлар билан чекланиб қолмайди. Янги вазифалар ҳақида гапирар эканмиз, давлатимиз раҳбари 29 декабрь кўни парламентга йўнлашган Мурожаатномасида мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини белгиллаб берганини айтиш жоиз. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг биринчи устувор йўналишларидан бири сифатида Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан конструктив сиёсатни ишлаб чиқиш ва давом эттириш белгиланди. Табиийки, биз бугунгача бўлган муносабатларни ривожлантиришни, минтақанинг барча мамлакатлари билан сиёсий мулоқотни кучайтиришни ва иқтисодий ҳамкорликка катта аҳамият беришни давом эттирамиз. Қозғистон билан савдо ҳажмини 5 миллиард долларга, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон билан 1 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги ўзгаришлар тўп-ланиб қолган муаммоларни мамлакатимиз раҳбари томонидан ҳал қилишга комплекс ёндашилаётганини кўрсатади. Бу ўзгаришларни халқаро ҳамжамият ижобий кутиб олди ва эътироф этмоқда. Шубҳасиз, буларнинг барчаси 2021 йилда янада кўпроқ манфаатли ҳамкорлик учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги ислохотлар Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини кучайтиришнинг муҳим кўрсаткичига айланди. Минтақа тобора тарқоқликдан ҳамкорлик сари интилмоқда. Истиқболда биз янада тўб бунёдкорлик жараёнларига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бинобарин, минтақани умумий қадриятлар, маданият, дин ва тарих бирлаштириб туради. Шу маънода, минтақа халқаро майдонда ўзини янги бир шакл-шамойилда намойиш этиш, ўз имиджини яхшилаб олиш, чет эл инвестицияларини янада кўпроқ жалб қилиш имконига эга. Зеро, булар барча мамлакатлар манфаатларига хизмат қилади.



ҲУҚУҚ



СУД ТИЗИМИ: ИСЛОҲОТ ВА АМАЛИЁТ



Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятда адолатни қарор топтиришда одил судлов алоҳида ўрин тутди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кейинги тўрт йилда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислох этишга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий-ташқилий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида йиллар давомида ечим топмаган муаммолари масалаларини ҳал қилиш учун ўндан ортқ Президент фармонлари ва қарорлари ҳамда парламент томонидан одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган учта кодекс янгидан қабул қилиниб, қатор қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, илк маротаба давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий судида маъмурий ишлар бўйича судлов ҳаёти, Қорақалпоғистон Республикаси,

вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман, шаҳарларда маъмурий судлар ташкил этилди. Бу тизим қисқа муддатларда ўз натижасини берди.

Президентимизнинг 2020 йил 24 июлда "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони суд-ҳуқуқ ислохотларининг янги босқичида амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратди. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган

суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантқий давомидир. Ушбу ҳужжат Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланди.

Қонунга асосан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини қайта қўриб чиқиш тартибини илғор ҳорийлик тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида, суд тизимида 2021 йил 1 январдан бошлаб, фуқароларимизга қўлайлик яратиш ҳамда ортқича сарсонгарчиликнинг олдини олиш мақсадида ҳудудлар марказлари миқёсида жиноят, фуқаролик ҳамда иқтисодий ишлар бўйича судлар бир идорага бириктирилмоқда. Яъни вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашуви-ни сақлаб қолган ҳамда суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят-



лар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилади.

Шунингдек, соҳада профессионализмни сақлаш ва ривожлантириш мақсадида, ҳар бир ҳудудда биттадан маъмурий тартиб таомиллар ҳамда бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни қўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш белгиланди. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини сақлаб қолиш назарда тутилган.

Суд тизимида ушбу ташқилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилаётганини инобатга олиб, Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига тегишли ўзгаришлар киритилмоқда.

Бу ўзгаришларга эътибор билан назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг негизда давлатимиз раҳбари илгари сурган ғоялар турибди.

Бундан ташқари, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун талабларига асосан, мазкур ҳужжат билан Конституцияимизнинг русча матнидаги 7-, 33-, 85- ва 86-моддаларига ҳамда давлат тили матнидаги 93-, 98-, 100- ва 117-моддаларига қонун ижодкорлиги ва қонунчилик соҳасида ишлатилиши лозим бўлган атамалар билан боғлиқ ўзгаришлар киритилмоқда.

Умуман олганда, мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши суд тизимини бошқариш масалаларини такомиллаштириш, вилоят ва унга тенглаштириш судларини ташқилий, молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашни янада яхшилаш, хусусан, фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлиб юрилишига барҳам бериш, уларнинг муаммосини бир жойда ҳал қилишга имконият яратди.

МУНОСАБАТ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА



Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш — ислохотларимизнинг энг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаб, Республика Хотин-қизлар жамоатчиликлари кенгаши ташкил этилишини маълум қилди.

Сўнги йилларда аёлларимизнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Парламентнинг Қонунчилик палатасида аёлларнинг улуши 32 фоизни, Сенатда ва маҳаллий кенгашларда 25 фоизни, давлат бошқаруви идораларида

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари муҳокама қилинган пайтларни бир эсланг. Аёлларимиз эндиликда ҳуқуқий билимларини ошириш ва яхши ҳаёт учун курашиш бобида анчагина дадил



раҳбарлик қилаётган аёллар салмоғи эса 16 фоизни ташкил этмоқда.

Хозирги кунда хотин-қизларга ҳудудлардаги ижро ҳокимиятига раҳбарлик вазифаси ҳам ишониб топширилаётгани қувонарлидир. Айтиш кераки, унга яқин туманда ҳокимлик лавозимида фаолият юритаётган аёлларимиз бу вазифани эркак ҳокимларимиз қаторида елкама-елка уддаламоқда.

Аёллар масаласи билан шуғулланиш парламентнинг ҳам диққат марказидаги масалалардан бири эканлигини қўришимиз мумкин. Қонунчилик палатасида Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия, Сенатда эса Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилгани бунинг яққол далилидир.

қадам ташлай бошлади. Шу боис, мазкур қонунларнинг қабул қилиниши нафақат уларнинг, балки ҳар бир маданиятли юртдошимизнинг эътирофида бўлди.

Эндиги асосий масалалардан бири амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш тамойилларига мувофиқлиги юзасидан гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳисобланади ва бу борада, айниқса, биз аёл депутатлар фаоллик кўрсатишимиз керак.

Мурожаатномада таъкидланганидек, аynи пайтда Касаба уюшмалари федерацияси бошчилигида мутасадди идоралар,

банклар ва ҳокимликлар томонидан жойларда уйма-уй юриб, 6 миллиондан ортиқ хотин-қизларнинг муаммолари пухта ўрганилди. Ана шу жараёнда аёлларимизнинг аксарияти жамиятимиздаги ўзгаришларни тўла тушуниб етишга, ўз ҳуқуқий билимини оширишга интилаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Бу ўрганишлар натижасида оилаларда, шунингдек, хотин-қизлар масаласига оид бир қатор муаммолар аниқланди. Шулар асосида айни кунларда “Аёллар дафтари” шакллантирилмоқда, уларни қийнаётган кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга амалий ечим топишмоқда. Бу ишларга маҳаллаларда янги ташкил этилган “Аёллар маслаҳат кенгашлари” ҳам яқиндан кўмак бермоқда.

Президентимиз айтиб ўтганларидек, бу ҳали аёллар муаммоларини ечиш учун биз бажаришимиз шарт ва зарур бўлган ишларнинг бошланиси, холос.

Биз мамлакатимизда истиқомат қилаётган 17 миллиондан зиёд опа-сингилларимиз, қизларимиз, онахон ва мола-ларимиз юрагидаги орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун барча имкониятни яратиб беришимиз лозим.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Энди хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларга янги имкониятлар яратиш бўйича навбатдаги қадам сифатида, ҳаётни ва аёллар муаммоларини яхши биладиган, фаол ва ташаббускор опа-сингилларимиздан иборат Республика Хотин-қизлар жамоатчиликлари кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари мени роса қувонтирди. Шу билан бирга, айнан шу соҳада кўп йиллар фаолият олиб борган бир аёл сифатида аёллар масаласини мамлакатимизнинг Олий органи, яъни Олий Мажлис Сенати раиси зиммасига юклатилгани мамлакатимизда аёлларга бўлган муносабатнинг ёрқин ифодаси бўлди.

2021 йилда аёлларнинг бизнес-лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд (100 миллион доллар) маблағ йўналтирилади. Бу эса аёллар ўртасида ишсизликни камайтиришга, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Мурожаатда яна бир муҳим масала, яъни бир ой муддатда хотин-қизларнинг жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги мавқеини янада оширишга қаратилган ялдил тизим яратиш бўйича тақлиф ишлаб чиқиш вазифаси Парламентга ва ҳукуматимиз зиммасига юклатилди.

Хулоса ўрнида шунини айтишим мумкин, Мурожаатнома биз, халқ вакиллари учун келгусидаги фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Келгусида Парламент олдида давлат раҳбари томонидан қўйилган барча вазифаларни виждонан, бор билим ва салоҳиятимизни сафарбар этган ҳолда, албатта, ижросини таъминлаймиз.

МИЛЛИЙ АРМИЯ — ИФТИХОРИМИЗ



ЁШЛАР — ВАТАННИНГ БЎЛҒУСИ
ҚАҲРАМОНЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Инновацион ривожланиш ва-зирлигининг махсус йўналишдаги илмий-техник кенгаши томонидан мудофаа ва ҳарбий саноат учун зарур қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, вазирлик томонидан молиялаштириш қиймати 10,978 миллиард сўмлик махсус йўналишдаги ўн иккита лойиҳа амалга оширилди. Махсус йўналишдаги илмий-техник кенгаш томонидан ўтган йили қўшимча равишда умумий молиялаштириш қиймати 10,95 миллиард сўмга тенг ўн битта илмий тадқиқот лойиҳаси мавзулари эълон қилинган.

Ҳозир Тошкент шаҳрининг Ол-мазор туманида “Истамбул” технопарки филиалини очиб бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳа мудофаа соҳа-сига янги технологияларни олиб кириш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳам назарда тутилди. Бу Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш бўйича қўшма дастурларни тайёрлаш, тажриба алмашиш ва малака ошириш учун мустақим платформа яратиш имконини беради.

Мудофаа тизими ва ҳарбий таълим мамлакат оқойишлагини таъминлашнинг энг муҳим омил бўлиши билан бирга, жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Соҳага тегишли муассасаларнинг халққа яқинлашуви натижасида ватанпарварлик ва фидойилик туйғулари, юртни севиш ва ардоқлаш, садоқат ва матонат тушунчалари шаклланиб, мустақамлаана боради. Зеро, бугунги ёшлар Ватаннинг бўлғуси қаҳрамонларидир. Шу сабабли давлатимиз раҳбари айни мавзуга алоҳида эътибор қаратади. Мамлакат аҳолисини, хусусан, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фуқаролик позициясини кучайтириш билан боғлиқ ишларни “Жасур жангчи — ёшлар учун намуна” шиори остида янада жадаллаштириш, ҳарбий округлар қўмондонликлари-га камида ўнтадан мактабни оталиққа олиш ҳамда ҳарбий қисм

командирлари томонидан ўқув масканларида ватанпарварлик ва ҳарбий шон-шараф дарсларини йўлга қўйиш вазифаси берилди. Президентимиз “Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди”, дея таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари мазмун-моҳияти кейинги тўрт йил мобайнида ёшларга оид давлат сиёсати доира-сида бажарилаётган кенг кўламли ишлар, берилаётган кўмак ва кенг оммалашган беш ташаббус билан узвий боғлиқ.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан йўллаган байрам табригида тарихимизда биринчи марта ўз моҳиятига кўра, ноёб тизим — ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилганини қайд этди. Бундай иш усули жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш, “Армия ва халқ — бир тану бир жондир” деган улғў гоани амалда таъминлашга ҳисса қўшишга имкон яратди.

Ўтган йили Инновацион ривожланиш ва Мудофаа вазирликлари ҳамкорлигида “Аскара мактуб” пилот лойиҳаси амалга оширилди. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти мудар-ратли хизматчилари иштирокида бошланган лойиҳа ёшларда фаол ҳаётий позиция, Ватанга муҳаббат, унинг тарихий меросига ҳурмат, миллат манфаатлари ва хавфсиз-лигини ҳимоя қилиш каби маъна-вий-ахлоқий фазилатларни шакл-латириш ва ривожлантиришга қаратилган.

Лойиҳада яқинлари миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ёшлар, таълим муассасалари ва ҳарбий қисмлардаги таълим жараёни иштирокчилари — ўқи-тувчилар, ҳарбий инструкторлар, психологлар, аскар ва офицерлар иштирок этди.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳам-да ҳарбий илмни ривожлантириш борасида Қуролли Қучлар Олий Бош Қўмондонлиги томонидан замо-навий ҳарбий билимларни янада та-комиллаштириш вазифаси қўйил-ди. Бу жараёнда ҳарбий таълим тизимида бошланган ислохотларни узвий давом эттириш, олий ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллеж-лар, жумладан, “Темурбеклар мак-таби” ҳарбий академик лицейлари фаолиятини такомиллаштириш, уларда таълим олаётган ўқувчилар қалбида миллий она Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш, Жалолид-дин Мангуберди, Амир Темур, Шоҳ-рух мирзо, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркарда аждод-ларимизнинг бой ҳарбий санъати-дан кенг фойдаланиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Номлари зикр этилган улғў боболаримизнинг ҳарбий маҳорати ўта чуқур билим, тактика, стратегия, вазиятни тўғри баҳолаш ва режалаштириш каби-ларга асослангани билан ажралиб туради. Шоҳрух мирзо ва Заҳрид-дин Муҳаммад Бобур жорий этган “тебратма” ва “тўлғам” усуллари ҳарбий санъатлар тарихидан жой олган.

Президентимизнинг мамлака-тимиз пойтахтида барпо этилган “Ғалаба боғи” ва “Шон-шараф” музейи мажмуасини ҳарбий хиз-матчилар, юртимиз аҳолиси, айниқса, ёшлар учун ҳарбий та-рихни ва буюк аждодларимиз қаҳрамонлигини ўрганиш илмий марказига айлантириш тақлифи-ни барча қизгин қўллаб-қувват-лади. Улғў саркарда аждодлари-мизнинг номлари қаторида улар билан ёнма-ён сафда турган фидойи, садоқатли ва жасур қў-мондонларнинг, ботир лашкаро-биларнинг эл-юрт учун кўрсатган қаҳрамонликлари солномалари-ни яратиш шонли тарихимизни тиклаш, юртдошларимиз, айниқ-са, ёшларимизга етказишда му-ҳим аҳамият касб этади.

ИННОВАЦИОН ТЕЛЕМЕДИЦИНА —
АҲОЛИНИНГ СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТДАН
ФОЙДАЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимизнинг Олий Мажлиси ва халқимизга Мурожаатномасида тиббиёт соҳасини ислох этиш масалалари бўйича ҳам қатор муҳим вазифалар белгилан берилди.



Муқаддас ЎРОЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Жумладан, жорий йилда соҳада ра-қамлаштириш кўлами янада кенгайти-рилади, барча тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, по-ликлиника ва касалхоналарни электрон иш юритишга ўтказиш чоралари қўрилади. Шунингдек, республика ихтисослаш-ган тиббиёт марказлари ва уларнинг фи-лиаллари ўртасида телемедицина йўлга қўйилиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятлар янада кенгайти-рилиши зарурлиги таъкидланди.

Телемедицина нима, у бизга нима бе-ради? Бу тизим республика марказидаги малакали шифокорлар ва дунё тиббиёт муассасаларидаги мутахассислар билан реал вақт оралиғида боғланиш, онлайн қўриқдан ўтиш, терапевтик даво мас-лаҳатларини олишга имкон беради. Яъни, бемор билан шифокор ўртасида масофа бўлмайди.

Шу билан бирга, республика ил-мий-амалий тиббиёт марказлари ҳу-дудлардаги филиаллари билан телемедицина тизими орқали онлайн маслаҳатлашиш имконига эга бўлади. Ташхис бамаслаҳат қўйилса, беморни тўғри ва самарали даволаш имкония-ти ошади. Натижада бемор тез соғлом ҳаётга қайтади.

Қайд этиш жоизки, аҳолининг катта қис-ми ихтисослашган шифокорларга даво-ланишга иқтисодий-молиявий имконият тополмайди. Телемедицина тизимида онлайн маслаҳатлашиш йўлга қўйилиши натижасида етук шифокорлар, профес-сорлар билан онлайн мулоқотда бўлишга шариит яратилади. Бу ҳам беморнинг, ҳам мутахассис-шифокорларнинг вақтини, шу билан бирга, маблағни тежашга хизмат қилади.

Шу жиҳатдан қараганда, пандемия даврида тиббиёт бир поғона юқорига кў-тарилди, десак тўғри бўлади. Бу борадаги тажрибани, амалий кўникмаларни янада ривожлантириш бўйича соғлиқни сақлаш тизимида аниқ стратегия ишлаб чиқили-ши зарур, деб ўйлайман. Қайси ҳудудда, қайси туман-шаҳарда, қайси муассаса-ларда қайси йўналишлар бўйича қачон-дан онлайн маслаҳатлар ўтказилиши ҳа-қида режани белгиллаб, уларнинг амалга ошиш жараёналаридан бохабар бўлиб, бу ҳақда сайловчиларнинг хабардорлик да-ражасини ўрганиб боришимиз зарур.

Инновацион телемедицина изчил йў-лга қўйилса, аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши кенгайди, бу эса оид ҳудудларда яшовчи фуқароларимиз-нинг илғор тиббий хизматлардан баҳра-манд бўлишига хизмат қилади.



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ТОКИОДА ЯПОНИЯЛИК
ФОТОСУРАТЧИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДАГИ
ФОТОКЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ


Токионинг Сугинами туманидаги оммавий спорт мажмуасида япониялик профессионал фотосуратчи Жин Акионинг Ўзбекистонга бағишланган фотокўргазмаси очилди.

Экспозициядан япон фотомуҳбирининг Ўзбекистон аҳо-лиси кундалик ҳаёти ва урф-одатлари, мамлакатимизнинг меъморий ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлари, шу-нингдек, маданий меросимиз намуналари акс этган 25 та сурати жой олган.

Фотокўргазма шу йилнинг 28 декабрига қадар давом этади. Япониялик профессионал фотосуратчи Жин Акино “Самарқандиана” энциклопедик лойиҳасининг аъзоси ҳи-собланади.

Ўтган йил ноябрь ойида мамлакатимизнинг Токиодаги дипломатик ваколатхонаси Сугинами тумани ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этган Ўзбекистон маданияти фестивали доирасида унинг “Ўзбек маданияти завқлари” номли фотокўргазмаси ва мамлакатимиз сайёҳлик сало-ҳиятининг тақдими бўлиб ўтган эди. Бир йил олдин ушбу фотосуратчининг ўзбек анъанавий меъморчилигига бағиш-ланган “Лаҳзада муҳрланган ўзбек анъанаси” фотолёбому ҳам нашр этилган.

Эслашиб ўтамиз, Сугинами тумани Токиода бўлиб ўта-диган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қўриш учун бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоа-сини қабул қилади.



Токио

“Дунё” АА

Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

КИТОБТЕРАПИЯ

“КИТОБЛАР — ЁШЛИГИМИЗДА ЙЎЛБОШЧИМИЗ, КЕКСАЛИГИМИЗДА ҲАМДАРДИМИЗ”

**Гулчеҳра ТИЛВОЛДИЕВА,
Тошкент шаҳридаги 196-умумтаълим мактаби ўқитувчиси**

“...Мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия даврида орттирган тажрибамиз ҳамда хориждаги илғор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асраш ва мустақамлаш борасидаги туб ислохотларимизни янги bosқичга кўтаришимиз зарур. Бунда аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш — энг устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим”.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланган ушбу сўзлар замирида юртошларимизни, жумладан, ёш авлодни ҳар томонлама етуқликка, баркамолликка интилиш сари чорловчи эзгу даъват мавжуд. Кишининг маънавий, руҳий ва жисмоний камолоти йўлида курашчан, фаол бўлиши эса, аввало, унинг дунёқарashiга, савиясига, билимига bogʻliq. Дунёқарашнинг кенг, савиянинг ўткир, билимнинг кучли бўлишида эса китоб мутлоаси, китобхонлик асосий омиллардан саналади.

Қадимги Мисрнинг таниқли фиръавнларидан бири — Рамзес II нинг кутубхонаси пештокида қуйидагича ёзув бўлгани маълум ва машҳур: “Кўнгил учун дорихона”. Қуръони Карим мутлоасидан даволаш мақсадларида фойдаланилганлиги Қоҳира шифохоналаридан бирининг 1272 йилга доир ёзма манбаларида қайд этилган. Шунингдек, Каломуллоҳнинг “Таборақ”, “Ёсин” каби суралари шифобахш қудратга эгаллиги Шарқ ҳақимлари томонидан қадимдан таъкидлаб келинади. Етель Войничнинг “Сўна”, Жек Лондоннинг “Мартин Иден”, Николай Островскийнинг “Пўлат қандай тобланди”, Маргарет Митчеллнинг “Шамолларда қолган ҳисларим” каби асарлари минг-минглаб дардмандларда, ҳатто тушакка миҳланиб қолган беморларда яшаш-да иштиёқни, ҳаётга мухаббатни янада кучайтириб, қурашга чорлагани, охир-оқибатда соғайишга, ғалаба қилишга руҳлантиргани ҳақида ҳам тарихда номинлар талайгина.

XVIII асрдан XX асрга қадар Европада инсонларга руҳий ва жисмоний дардларни енигишда китоблардан шифо воситаси сифатида фойдаланиш мунтазам тавсия этиб келинади. 1916 йили америкалик тадқиқотчи С.Крозерс томонидан “Библиотерапия”, яъни “Китобтерапия” атамаси муомалага киритилди.

XX аср мубайнида китобтерапия бадий адабиётдан сўз билан даволаш шакли сифатида фойдаланувчи психотерапия методи ўларoқ янада ривожланди. Зеро, китобхон ўзини асар қаҳрамонидай ҳис қилиши,

унинг кечинмаларини юракдан англаши каби ҳолатлар библиотерапевтик самара беради, яъни ўқувчида руҳий тинчланиш, руҳланиш, фаоллашув, куч-ғайрат ортиши каби ҳолатларни пайдо қилади. Жерemi Кольтер XVII асрдаёқ “Китоблар — ёшлигимизда йўлбошчимиз, кексалигимизда ҳамдардимиз. Улар ёлғиз киши учун мадад бериб, ўзини ўзи эзмаслигига шарт-шароит яратди”, дея таъкидлаган эди.

Китобтерапия тиббиёт, педагогика ва психология каби йўналишлар билан bogʻliq ҳолда раvнақ топомoқда. Китоб мутлоаси, унинг, айниқса, руҳий тушқунлик ҳолатларида инсонга ижобий таъсир кўрсатиши, турли тўсиқларни енигиб ўтишда қўллаб-қувватлай олиши тегишли далиллар орқали тадқиқотларда тасдиқланган.

Китобтерапиянинг асосий моҳияти шундан иборатки, ушбу соҳа бўйича мутахассис муайян инсоннинг ўзига хосликларини, ҳасталикнинг клиник кўринишини, шунингдек, беморнинг ёши ва вазиятини ҳисобга олган ҳолда, мутлоаа режасини тузиб беради. Мутлоадан сўнг асарнинг биргаликдаги тахлили ва муҳокамаси амалга оширилади. Шу билан бирга, китобхон кундалиги ҳам юритиб бoрилади.

Детектив ва саргузашт адабиётлар беморни огир ўйлардан халос этса, фантастика ўзгача куч-ғайрат уйғотади. Тарихий асарлар ҳаёт маъносини ва яшаш мақсадларини англашга кўмаклашди, афоризмлар, ҳикматлар тўпламлари эса фикр-мулоҳазаларни, қарашларни тартибга солиш учун ёрдам беради.

Кейинги йилларда юртимизда китобхонлик кўламини янада кенгайтиришга, ёшидан қатъи назар, барча кишиларда китобхонликка рағбатни ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу масалалар Президентимиз, ҳукуматимиз, диққат марказига олиниб, тегишли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ўйлаيمизки, китобхонлик тарғиботи борасида китобтерапияга тааллуқли турли омиллардан оқилона, изчил фойдаланилса, нур устига аъло нур. Китобтерапия мутлоага, китобларга ўзгача ихлос билан қарашга ундаши, шубҳасиз.



**Ориф ТЎХТАШЕВ,
“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси маслаҳатчиси**

Куни кеча Президентимиз томонидан ўтказилган маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат таъкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш, бу йўналишдаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Бугун биз учун чинакамига Янги ҳаёт бошланди. Уйғoқ назар билан қаралса, юртимизнинг кўрку таровати кун сайин сайкал топиб бормoқда. Шаҳарларимиздаги сити-шаҳарчалар, равон йўллар — кўприклар, метронинг янги йўналиш йўлакларини, кўп қаватли уй-жойлар...

Ислохотларга эътибор қаратадиган бўлсак, ҳеч бир соҳа назардан четда қoлиб қетаётгани йўқ. Тиббиёт дейсизми, матбуот дейсизми, маданият, таълим-тарбия ва давлат тилига алоҳида эътиборда бўлиш, мамлакатимизнинг барча жабҳадаги дунёвий кўрсаткичларини юксалтириш баробарида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари салоҳиятини ҳам янги bosқичга олиб чиқиш...



**Давронбек МАХСУДОВ,
Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот маркази директори**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида аввалгиларидек қутилмаган қатор ташаббуслар илгари сурилди. Мактабгача таълим, мактаб таълими, ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фан, маданият, санъатни ривожлантириш, тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиш сингари соҳаларда тақдирлар беришди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг анжуман бошида буюк аждодимиз Имом Мотуридийнинг “**Тириклик ҳикмати соғлиқда деб билгин**” мазмунидagi ҳикмати келтириб ўтгани алломуларимиз меросига бўлган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда улуғ олимларнинг илмий мероси, асарларини ўрганиш, халқимизга

Дарвоқе, Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўни арафасида Қуролли Кучлар Академиясига ташриф буюрди. Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони раислигида Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятининг 2020 йил якунлари ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада ошириш борасида бажарилган ишлар, Қуролли Кучларни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ва уларнинг натижалари батафсил сарҳисоб қилинди. Шунингдек, Қуролли Кучларни ривожлантириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор инновацияларни кенг татбиқ этиш бўйича муҳим кўрсатмалар берилди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари эътироф этган “**ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди**” деган биргина жумла барчамизни янада огоҳ бўлишга ундайди, фарзанд тарбияси йўлида алоҳида эътибор қаратилиши лозим жиҳатларни ёдимизга солади. Жондан азиз фарзандларимиз қалбида миллий руҳ, она-Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш, қолаверса, буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак. Бу йўлда мамлакатимиз бўйлаб Президентимиз бошчилигида жуда катта сафарбарлик эълон қилинмоқда. “**Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади**” деган широнинг ўзи барча мақсад ва муддоаларимизни баён қилиб турибди.

Бугунги кунда глобал ахборот маконидagi қарама-қаршилик, инсон, айниқса, ёш авлоднинг онги ва қал-

би учун курашнинг кучайиши шароитида айнан ватанпарварлик тушунчасининг роли ва аҳамияти ортиши табиий. Мисол тариқасида митти бола — гўдакнинг хатти-ҳаракатини кузатсангиз ҳам унинг тийнатида “бу — меники, менга тегишли” деган ида-дао яққол кўриниб туради. Қолаверса, хархашаларининг моҳиятида ҳам эгаллик ҳиссини ўзида сақлаб қолиш мақсади ҳукмрон бўлади. Демак, биздан талаб битта, у ҳам бўлса, фарзандларимиздаги эгаллик ҳиссини юксалтириш, бу йўлдаги ишларимизга ватанпарварлик руҳини дадил сингдиришдан иборат.

Мен ўзини ўзбек дея танитиб, киборларча бошқа тилларда сўзамoқлик қилувчиларни хуш кўрмайман ва ишонч билан айта оламoқки, уларнинг кўнглида Ватанпарварлик кайфиятидан асар ҳам бўлмайди. Зеро, Юртни севиш — “бу Ватан — менинг ор-номусим!” деган сўзни қалбдан чиқариб айта олиш дегани. Орияти бир юрак эса бошқа тилда гапириб, ўзини кўз-кўз қилмайди, мактанмайди. Қайтанга ўз тили довруғини янада юксалтириш, қийматини ошириш йўлидан боради.

АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИГА ҲУРМАТ МИЛЛАТИМИЗНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРАДИ



етказиш масалалари муҳим бўлиб қолмоқда. Айни пайтда Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказлари, Ислoм цивилизацияси маркази қаторида Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот марказининг ташкил этилиши бебаҳо мероснинг бугунги кун учун зарур эканидан далoлат беради.

Ўтган шoнли тарихимизда ҳам халқни жипслаштириш, фаровон ҳаёт ва оsoишталик сари бошлашда давлат раҳбарларининг ўрни катта бўлган. Жумладан, Сомонийлар, Қорахонийлар даврида илм-фанга катта аҳамият берилгани учун Шарқнинг биринчи Ренессанси содир бўлди. Биргина ҳадис илмида минглаб муҳаддислар етишиб чиқди. Жалолiddин Мангуберди юрт oзodлиги учун жoни ва оиласини ҳам аямади. Амир Тeмyр ислохотлари натижасида мўғуллар даврида вайронга учраган иншоотлар янги шаклда қад ростлади, фан, маданият соҳасида олимлар вужудга келди. Бу билан иккинчи Ренессанс бошланди. Соҳибқирон Тeмyр ўз сарoида мунтазам равишда олимларнинг илмий мубоҳасаларини ташкил қилгани, улар билан доимо мулоқотда бўлгани тарихий китобларда ўз аксини топан.

Олимлар ҳам Амир Тeмyрга ўз маслаҳатларини бериб борган, яқин ёрдамчига айланган. Буни Мотуридий таълимотига oид салмоқли китоблар муаллифи Саъдулдин Тафтазоий, Сайид Шариф Жўржонийдек олимлар сиймосида кўриш мумкин.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам “Агар менда ижобат бўладиган биргина дуo қолганида, уни албатта, давлат раҳбарига атаган бўлардим”, деб айтган эканлар.

Халқимиз бугунги кунда олиб бoрилаётган ислохотларни тўғри англаб, уларга ўзининг хайрихоҳлигини билдирмоқда. Ёши кекса oтаҳон ва онахонларимиз дуo ва насихатлари, ёшларимиз билим ва маърифатга чанқoқлиги ва интилиши билан юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз.